



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 13 сентябрь, шанба • №75 (11.566)

Эркин нарҳда сотилади

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

Нукус шаҳрини «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш Тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссаси, мураккаб экологик шароитга қарамасдан, ҳаётнинг кўплаб соҳаларида юқори натижаларга эришаётгани, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида шаҳар аҳли амалга ошираётган катта ишларни инobatга олиб ҳамда 70 йиллиги муносабати билан Нукус шаҳри "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 11 сентябрь.

ЯНГИ ШИФОКОРЛИК МАСКАНИ

Зангиота туманининг Акмал Икромов номидаги ширкат хўжалигида янги қишлоқ шифокорлик пункти иш бошлади.

Туман марказий шифохонаси бош шифокори Ҳ.Эргашеванинг айтишича, мазкур шифо масканини қуриш учун 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Маблагнинг барчаси ширкат хўжалигининг ўз ҳисобидан бўлди. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган

шифохонада терапия, гинекология, педиатрия, физиотерапия хоналари ва лаборатория мавжуд.

Пункт фойдаланишга топширилгач, хўжаликнинг беш минг кишидан кўпроқ аҳолиси 20-25 километр йўл босиб, марказий шифохонага қатнаш ташвишидан қутилди.

Ў.А.

Анжуман



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР

Сешанба кўни вилоят ҳокимлигида «Ҳамдўстлик» халқаро аёллар клуби билан биргаликда «Мустақиллик. Маданият. Халқаро ҳамкорлик» мавзuida анжуман бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда ишлаб чиқариш илғорлари, маҳаллалар фаоллари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган 15дан ортиқ хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашдилар.

Анжуманда вилоят ҳокими Умат Мирзакулов иштирок этди.

Сўзга чиққанлар юртимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожига Тошкент вилоятининг ҳам ўзига хос улуши бор эканини, жамиятимизда кечаётган изчил ислохотлар самараси вилоятимизда ўз ифодасини топаётганини таъкидлашди.

Ўтган йиллар мобайнида вилоятда саноатнинг кон-металлургия, машинасозлик, энергетика, кимё, тўқимачилик, пахта тозалаш, пойабзал ишлаб чиқариш каби кўплаб етакчи тармоқлар янада ривож топди. Кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу эса хуудга тобора кўпроқ хорижий сармоя-

ни жалб этиш, янги қўшма корхоналар ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда боғдорчилик, пахтачилик, пиллачилик, чорвачиликда ҳам салмоқли натижалар кўлга киритилди.

Бугунги кунда вилоятнинг ҳар бир гўшасида «Обод маҳалла йили» дастури изчил татбиқ этилаётир. Маҳаллаларда истиқомат этаётган 130 дан зиёд миллат вакиллари юртимизда кечаётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувликни

энг олий қадрият деб билмоқда.

Тадбирда вилоят корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, миллий хунармандлик буюмлари кўргазмаси ташкил этилди. Меҳмонлар эътиборига номдор ва машҳур саноат гигантлари эмас, балки айнан кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан намуналар ҳавола қилинди. Уларнинг фаолияти айниқса, хорижликларни кўпроқ қизиқтиргани табиий. Масалан, газоанализаторлардан ташқари, оддий заррабиндан тортиб, мураккаб микроскопларгача ишлаб чиқараётган Чирчиқдаги

«Дека» корхонасини олайлик. Бутун дунёда бундай ишлаб чиқариш энг мураккаб соҳалардан бири ҳисобланади. Зеро, катталаштириб кўрсатувчи ойналар яратиш жараёнида микронлар даражасидаги аниқлик зарур. Бизда эса бунинг уddасидан чиқаётирлар. Еки серкирра фаолиятли «Берад» агрофирмасини айтмайсизми. Мана бир неча йилдирки, у Россия ва Шарқий Европадаги бир неча мамлакатлар

(Давоми 2-бетда).



СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Еркебой БОТИРОВ олган сураатлар.



ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ЯНГИ ГУЗАРЛАР

Янгийўл шаҳри Обод маҳалла йилида кўн сайин кўркаллашиб, гўзаллашиб бормоқда, кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланмоқда, янгидан-янги гузарлар, маданий-маиший иншоотлар қад кўтармоқда.

Жумладан, «Олтин-обод» маҳалласи хуудидида замонавий услубда қурилган «Наврўз» қаҳвахонаси иш бошлади. «Мустақиллик» маҳалласида эса, янги озиқ-овқат дўкони, ошхона, сарта-

рошхоналардан иборат маиший хизмат кўрсатиш мажмуи ишга туширилди. «Файзобод», Ишчилар шаҳарчаси фуқаролар йиғинлари ҳам ўз гузарларига эга бўлдилар.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

«USAID» ҲОМИЙЛИГИДА

Тошкент вилояти ҳокимлигида АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги («USAID»)нинг Ўзбекистондаги вакили вазифасини бажарувчи Бет Саламанка ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Адиба Аҳмаджонова нодавлат ташкилотларнинг вакиллари билан учрашдилар.

Вилоят нодавлат ташкилотлари «USAID» томонидан молиялаштирилаётган «Соғлом жамият» ва «Наркотикларга талаб ва истеъмолни пасайтириш» дастурлари фаолияти билан таништирилди. Тақдимотда нодавлат ташкилотларнинг бу

дастурларни амалга оширишдаги иштирокини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, соғлиқни сақлашни яхшилашга қаратилган инновацион лойиҳаларни рағбатлантиришга асосий эътибор қаратилди. Ўз мухбиримиз.

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» МЕҲМОНДА

Кўни-кеча Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгар» маданият саройида кўхна Самарканд шаҳрида ўтказилган «Шарқ тароналари» фестивалида иштирок этган санъат усталари Чирчиқда яшовчи корейс халқи вакиллари ҳамда шаҳар меҳнатқашлари учун катта концерт дастурини намойиш этдилар.

Томошабинлар билан тўла бўлган кошонада шаҳар ҳокимлиги, кўшни туманлар, корейс маданият марказларининг ҳамда Жанубий Корея

республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари ҳозир бўлдилар.

Гўзал СОЛИЖОНОВА.

«Автоқўмир» акциядорлик жамияти жамоаси Ангрендаги қатор корхоналарга хизмат кўрсатмоқда. Транспортчилар улар билан икки ўртада тузилган шартномани тўла бажариш учун мавжуд имкониятларни ишга солишяпти.

АКЦИЯДОРЛАР МАМНУН

Биринчи навбатда автосарой қувватидан фойдаланиш коэффициентини оширишга интилишмоқда. Бу ерда турли русумдаги 118 та автомобил мавжуд бўлиб, улар орасида, айниқса, оғир юк кўтаришга мўлжалланганлари кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг ҳар бири билан бир йўла 50 тоннадан 120 тоннагача кўмир ва бошқа тоғ жинслари ташиш мумкин. Бундай машиналар асосан ёқилғи очиқ усулда қазиб олинаётган конда ишлатилмоқда. Ҳар куни 55 та шундай транспорт воситаси

коннинг бамисоли зинапоёга ўхшаб кетган майдонида узлуксиз қатнаб, кўмир ва тупроқ-шағални ташишда банд. 9-шахта, кон-тоғ ускуналарини таъмирлаш, олтин саралаш ҳиссадорлик жамиятлари ва бошқа корхоналар меҳнат жамоаларининг ҳам оғирини енгил, узогини яқин қилишга ёрдам берилмоқда. Уларнинг ишчи-хизматчиларини ташиш учун ҳам зарур автобусларни «Автоқўмир» ажратади. Мижозлар билан ишлаш, йўл-йўлакай юзага келаётган муаммоларни ҳамжиҳатликда

ҳал қилиниши, жамоа аъзоларининг меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш фаолият кўрсаткич-

сарфланди.

Акциядорлар тогган фойдаларининг асосий қисмини корхонанинг моддий-техника базасини яхшилашга ҳамда хайр-эхсон тadbирларига ажратмоқдалар. Шу йил бошидан бери бу йўналишда арзигулик ишлар қилинди. Обод маҳалла йилида транспортчилар маблағи эвазига Буюк Ипак йўли ёнида автобекат, Навоий кўчаси яқинида гул бозори барпо этилди. Лашкерак қишлоғидаги йўлларга асфальт ётқизилди. Облиқ кўргонида милиция таянч пункти қад кўтарди. 31-мактаб янги ўқув йилига тайёрланди.

Жамият маъмурияти катта ҳажмдаги маблағни тежаш мақсадида ёнилғи қуйиш шохчасини тикляпти. Корхона ўзининг шундай шохчасига эга бўлгач, 27 миллион сўм маблағни тежаб қолиш имконига эга бўлади.

Собир ҲАМИДОВ.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

дўконларини серкўёш юртимизда етиштирилиб қуритилган ҳўл мевалар ҳамда мураббо ва қиёмлар билан таъминлаб келмоқда.

Меҳмонлар «Ғазалкентсут» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси маҳсулотларига ҳам муносиб баҳо беришди. Хорижликларга, айниқса, бу ерда тайёрланаётган қаймоқнинг таъми, унинг таркиби фойдали моддаларга бойлиги, жаҳон андозаларига мос қадокланганлиги кўпроқ манзур бўлди. Бозоримизга кириб келганига эндигина икки ой бўлган корхона учун бу катта баҳо, албатта.

Кўргазма иши билан танишувчиларда Паркент туманининг Сўқоқ қишлоғидан келтирилган зардўзлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги намуналари ҳам катта таассурот қолдирди.

Хотин-қизлар ва ногирон болалар маънавият ва маърифат маркази очган цехда ишлаётган 45 устанинг меҳнат маҳсули бўлмиш бу буюмларни чинакам санъат асарлари дейиш мумкин. Ваҳоланки, уларни яратган баъзи усталар эндигина 12-14 ёшни қоралашган...

Тadbиркорлар, халқ усталари, чет эллик дипломатлар ва вилоят раҳбариятининг бундай норасмий мулоқотлари кичик ва ўрта бизнесимиз мавқеининг тикланишига, унинг халқро бозорига фаолроқ кириб боришига кўмаклашиши шубҳасиз.

Санъат усталари, истеъдодли ёшлар ҳамда турли миллатлар маданият марказлари бадий жамоаларининг муסיқий дастури кечага алоҳида файз бағишлади. Замонавий ва мумтоз санъатнинг ўзига хос уйғунлиги сифатида фольклор жамоалари ижролари эстрада вакиллари чиқишлари билан алмашиб турди. Модалар театри талқинидаги либослар намойиши эса, чинакам шоуга айланди. Ўзига хос бу дўстлик оқшоми узок давом этди.

Ў.А.

Ўз мухбиримиз.

Тadbир

«СУВ КЕЛАЖАК УЧУН»



Сув — ҳаёт манбаи, деб бежиз айтилмайди. Лекин шунга қарамай, сўнги йилларда оби-ҳаётдан турли мақсадларда фойдаланишда исрофгарчиликларга йўл қўйилмоқда. Устига-устак ичимлик сув заҳиралари камайиб борапти.

Шунинг учун ҳам сув захира-ларидан оқилона фойдаланиш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш дунё микросида энг долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Зеро, ундан нотўғри фойдаланиш натижасида 50 фоиз ичимлик суви ва сўғоришга мўлжалланган сувнинг 60 фоизи йўқотилмоқда. Дунё аҳолисининг олтидан бир қисми, яъни 1 миллиарддан ортиги чучук сув манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар. БМТ томонидан 2003 йилни «Чучук сув йили» деб эълон қилиниши ҳам шундандир.

Шуни инобатга олиб, «Экосан» халқро жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, республика «Маҳалла» жамғармаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси «Сув келажак учун» шиори остида экологик мавзуларда чоп этилган энг яхши мақола, радио-эшиттириш ҳамда телекўрсатувлар кўриж-танловини ўтказишга

қарор қилган эди. Куни кеча Ўзбекистон миллий матбуот марказида ана шу тadbирнинг боришига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда қайд қилинганидек, кўрик-танловга бир неча ишлар келиб тушди. Лекин, умуман олганда, бу муҳим тadbир жойларда жуда суст бормоқда. Қатор республика, вилоят, шаҳар ва туманлар матбуот органлари унда фаол қатнашмаяптилар, журналистларнинг иштироки етарли даражада бўлмапти.

«Экосан» халқро жамғармасининг раиси Ю. Шодиметов кўрик-танловни янада жонлантириш ва унинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида мукофот учун бериладиган пул маблағлари ҳажми янада оширилганлигини, умуман кўрик-танловда қатнашган барча қалам аҳли ва журналистлар у ёки бу тарзда тақдирланишларини айтиб, барча журналистларни бу муҳим тadbирда фаол қатнашишга чақирди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоблар олдилар.

ГЕРМАНИЯДАН ЎЗБЕКИСТОНГА

Германия пойтахтининг Берлин-Митте райони соғлиқни сақлаш идораси ва мамлакатнинг бошқа ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий госпиталига умумий миқдори 590 минг еврога тенг инсонпарварлик ёрдами юборишди.

Ўзбекистонга инсонпарварлик ёрдами бериш орқали мамлакатимиз билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўяётганлар сирасига бугун Германиянинг кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусий компаниялар ҳамда Германияда фаолият олиб бораётган хорижий ташкилотлар ваколатхоналарини

киритиш мумкин.

Бу галги умумий оғирлиги 24 тонналик инсонпарварлик ёрдами асосан жарроҳлик ва ички касалликларни даволашга мўлжалланган тиббиёт ускуналари, муолажа столлари, гидравлик кроватлардан иборат.

Аслам АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА.

БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИ ЙИҒИЛИШИ

Бўстонлик туманидаги Семург оромгоҳида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Камалак" болалар ташкилоти раёсати йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган ташкилот вакиллари иштирок этди.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг юксак маънавиятли, соғлом ва билимдон бўлиб вояга етишига кўмаклашиш мақсадида тузилган "Камалак" болалар ташкилотининг ҳозир республикамиздаги барча умумтаълим муассасаларида бошланғич ташкилотлари мавжуд.

7-14 ёшдаги болаларни ўз атрофига бирлаштирган ташкилот уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, иқтидорини намоён этишига кўмаклашиш мақсадида талай ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, пойтахтимиздаги "Боғи эрам" маданият ва истироҳат боғида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган "Варрақлар байрами" республика кўрик-танловига юртимизнинг турли ҳудудларидан келган етмиш нафар ўқувчи ўзаро беллашди.

Республика ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази билан ҳамкорликда анъанавий "Сехрли ёғду" кино-фото фестивали, "Истиқлол чечаклари" республика кўрик-танлови ўтказилди.

Ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумини мазмунли ўтказиш мақсадида оромгоҳларда турли тadbирлар, қизиқарли ўйинлар, спорт мусобақалари уюштирилди.

Йиғилишда, шунингдек, ташкилот фаолиятидаги камчиликлар, ечимини кутаётган вазифалар ҳам айтиб ўтилди. Тadbир иштирокчилари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва "Камалак" болалар ташкилотининг мақсад ва вазифалари, тузилмалар фаолиятини ривожлантириш масалаларига бағишланган уч кунлик семинарда ҳам қатнашди.

Ў.А.

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

Тошкентдаги Абулқосим мадрасасида "Олтин мерос" халқро хайрия жамғармаси ва Вашингтон университети Маданий тadbиротлар ва динишунослик бўйича ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Тadbирда "Олтин мерос" халқро хайрия жамғармасининг раиси Амирқул Каримов сўзга чиқиб, АҚШ билан мамлакатимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётган бир даврда нодавлат ташкилотлар иштироки муҳим ўринни эгаллаётганини айтди.

Кейинги пайтда жамғарма, ҳар икки мамлакат олимлари, фан ва маданият арбобларининг Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги маданий ва илмий ҳамкорлиги ривожига қўшаётган ҳиссаси ўз амалий натижаларини бермоқда. Хусусан, ўтган йили Вашингтон университети профессори Марк Рис "Олтин мерос" жамғармаси тақлифига биноан мамлакатимизга таширф буюрди.

Тadbирда ўзаро ҳамкорлики кенгайтириш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз юритилди. Бебаҳо маданий меросимиздан америкаликларни баҳраманд этиш мақсадида жамғарманинг АҚШда доимий фаолият кўрсатувчи амалий санъат кўргазмаси ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

"Туркистон-пресс".

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тарих институтида таниқли тарихчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ҳамид Зиёев фаолиятига бағишланган анжуман ўтказилди.

ИЛМГА БАХШИДА УМР

— Тарих илми холислик ва ҳаққонийликни талаб қилади, — деди тadbирда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Тўра Мирзаев. — Бу талаб тарихчиларимиз зиммасига катта масъулият юклаши табиий. Демак, улғаяётган янги авлод айнан уларнинг асарлари орқали муайян давр ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, воқеликка баҳо бериш ва ундан сабоқ чиқариш имкониятига эга бўлади. Ҳамид Зиёев ўзининг салкам олтмиш йиллик умрини тарихга бағишлади. Бу даврда олимнинг 500 дан зиёд китоб, илмий рисола ва мақоалари эълон қилинди.

Ҳамид Зиёев қадимги ва ўрта тарихга оид кўплаб илмий ишларнинг ҳам муаллифидир. Шунингдек, унинг Бухоро, Хива ва Кўқон хонлиқларининг тарихдаги ўрни ва юртимиз мустақиллигининг қўлга киритилиши ҳақидаги асарлари ҳам тарихни ҳаққоний ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

"Туркистон-пресс".

СЕССИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ҲАҚИДА

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Олий Мажлисининг иккинчи чақирик ўн иккинчи сессияси материалларини қабул қилинган янги қонун ҳамда қарорларни ўрганишга бағишланган тадбирларнинг навбатдагисини Лавлат солиқ кўмитасида ўтказди.

Олий Мажлис Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси раиси А.Турсунов парламентнинг навбатдаги сессиясида қабул қилинган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини янада эркинлаштириш, икки палатали парламентни шакллантириш борасидаги аҳамияти ҳақида сўзла-

ди. Юртимизда иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашда солиқ идоралари ходимлари олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган йиғилишда иштирокчиларни қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарилди.

Ў.А.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАЯПТИ

Мустақилликнинг биринчи кунларидан республикамиз ва Япония ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон Кунчиқар мамлакати билан ҳамкорликни ривожлантиришга устувор аҳамият бераётгани бежиз эмас, чунки бу мамлакатнинг молиявий-иқтисодий кўмаги республикани ривожлантиришнинг истиқболли режаларини амалга оширишда муҳим ўрин тутди.


2002 йил июль ойи охирида Президент Ислам Каримовнинг Японияга расмий ташрифи икки мамлакат муносабатлари тарихида муҳим воқеа бўлди. Мазкур ташриф чоғида Ўзбекистон ва Япониянинг стратегик ҳамкорлиги расмийлаштирилди — икки давлат раҳбарлари Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида кўшма баёнотни имзоладилар.

Айни пайтда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва

Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) орқали амалга оширилаётган Ривожланишга расмий ёрдам дастури доирасида Япония ҳукуматининг ижобий тажрибаси ва фаолиятини ҳамда Япония ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO) фаолиятини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Ўзбек-япон маданий алоқаларини ривожлантириш икки мамлакат халқларига ўз маънавий оламларини бойитиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш марказида ташкил этилган анжуманда шу ҳақда сўз юритилди. Унда халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, ўқитувчилар, тадбиркорлар, талаба ёшлар иштирок этди.

Ў.А.



МАЖМУАДА ЯНГИ АТС

«Чирком» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси жамоаси Чирчиқ шаҳри билан бирга қўшни Бўстонлиқ туманида ҳам телефон хизматини кенгайтиришда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, алоқачилар мазкур тумандаги Чимён дам олиш мажмуасини тўла телефонлаштирдилар. Бунинг учун 500 рақамли янги замонавий автоматлашган телефон станцияси қуриб, фойдаланишга топширилди. Натижада, дам олувчилар дунёнинг исталган бурчаги билан тез ва сифатли телефон алоқаси боғлаш имконига эга бўлдилар.

Нурали ЗАРИПОВ.

Бука тумани марказида жойлашган «Наврўз» ЛТД кичик корхонаси раҳбари Бердиқул Матмусаевнинг сазй-ҳаракати билан «Зиннат ота» гузари аҳоли хизматида топширилди. У ерда 300 кишига мўлжалланган тўйхона, кексалар учун «Оталар чойхонаси», сартарошхона, новвойхона ва ошхона мавжуд.

Шунингдек, тадбиркор келгусида бу ерда ёшлар учун тикувчилик цехи, компьютер курсларини очишни режалаштирган.

СУРАТДА: гузардан лавҳа.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ҚИШЛОҚ ВА ИСЛОҲОТ

Ҳақиқатан ҳам шундай. Бугунги кунда нафақат фермер, балки оддий пудратчи ёки ижарачи дехқон ҳам ўз салоҳияти даражасида меҳнат қилиб, рўзгорини кўнгалдагидек тебратиб имкониятига эга. Қатор қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари уларнинг ҳам ҳуқуқий, ҳам моддий манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони улар учун янада кенг имкониятлар йўлини очиб берди. Бугунги фермер, ижарачи ва пудратчиларнинг ўзларига боғлиқ.

— Юртбошимизнинг ушбу Фармонини обдон хижжалаб ўрганганимдан сўнг 1995 йили, яъни эндигина фермер бўлган пайтимда йўл қўйган хатоимни тушуниб етдим, — дейди Хусан Мирзаев. — Ўшанда хўжалик раиси «акали-укалсан, камида 50 гектар ер олавер» деганда, тажрибасизлик қилиб, қолаверса, чўчиб, 20 гектар олгандим. Орадан икки йил ўтмаёқ фермерликнинг ҳадисини олгач, ер камлик қила бошлади. Чунки, раис айтгандек, ўзим ва тўрт укам билан бирга ишлаймиз. Ҳар йили вазиятга қараб, 8-10 гектар майдонда ғалла ва пахта етиштирамиз. Қолган 2 гектар атрофидаги ерга сабзавот, полиз дегандек, кундалик рўзгор эҳтиёжлари учун бошқа экинлар экамиз. Бизнинг имкониятларимиз нуқтаи назаридан қараганда, 20 гектар кам, албатта.

Президентимизнинг янги Фармони айни муддао бўлди. Келаси йили еримизни камида 50 гектарга етказмоқчи ва кейинчалик вазиятга қараб, янада ошириб бормоқчиман.

...Фермернинг фикрига қўшилиш мумкин. У ҳақиқатан ҳам шунча майдонда дехқончилик қилишни эплай олади. Биз унинг саккиз йиллик фаолияти билан танишиб, ҳар

даланмайди. Фақат ғалла ўримида четга сарф-харажат қилишга тўғри келади, холос. Аммо, бу ҳам ортиқча муаммо эмас. Хўжалик унинг 8-10 гектар майдондаги ғалласини бир кунда ўриб-янчиб беради.

Келажакда ана шу арзимангачи чикимга ҳам барҳам бериш мақсадида эски бўлсада, битта «Енисей» ёки «Нива» сотиб олишга қарор қилди. Ўзининг айтишига қараганда, бу масалани ҳозирдан пишиқиб қўйган. Бу йилги экинлар

Яъни ер — ўзиники. Шу боис, унинг унумдорлигини бирдек сақлашга ҳаракат қилади. Айниқса, гўнгни аямайди. Чунки, гўнг экинга ўғит бўлса, тупроққа хамиртуруш. Уни кўпроқ шарбат усулида беради.

Хуллас, мустақил фермер сифатида эмин-эркин ишлаётгани боис ортиқча муаммо йўқ. Ҳосилдорлик барқарор. Режалар ҳар йили ортиги билан бажарилади. Шартномаларнинг ижроси хусусида ҳали бирор марта кўнгилсизлик юз бергани йўқ. Масалан, Ҳ. Мир-

фермернинг ихтиёри ўзида, хоҳлаган ишни қилаверади дейиш ножоиз. Унга ишониб топширилган ер, аввало, халқнинг мулки. Шундай экан, уни тасарруф этаётган киши фақат ўзини эмас, давлатни, халқни ҳам ўйлаши керак. Шу маънода Хусан Мирзаев тўғри иш тутаяпти, дейиш мумкин. Икки теримда 35 центнердан ҳосил олса, ердан самарали фойдаланаётгани шу-да. Ҳозир қайси ширкат хўжалиги шундай ҳосил оляпти? Пахтачиликдан қандай даромад кўрапти?..

— Ҳали айтганимдек, келажакдан умидимиз катта, — дейди Хусан Мирзаев. — Еримизни йилдан йилга кенгайтириб, йирик фермер хўжаликлари қаторига қўшилса, дейман. Президентимизнинг янги Фармони бу борада бизга таянч бўлади, албатта. Чунки, унинг асосий мақсад-моҳияти истиқболда асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини ривожлантириш устувор йўналиш бўлишига қаратилган. Фермер ҳар томонлама мустақил бўлади. Контракция шартномаси унинг ягона «хўжайини»га айланади. Шунга қараб экин экади. Ўз меҳнати натижалари, хусусан, етиштирган маҳсулотини, ўзи га тегишли мол-мулкни, даромади ва бошқа моддий захираларни ўз хоҳишича тасарруф этади. Энг муҳими, келажакда биз каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар тайёрлов, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан ишлаб чиқариш муносабатларида устувор мавқега эга бўладилар.

Фермернинг бу фикрларига қўшимча қилиш ортиқча бўлса керак.

О. ЮЛДАШЕВ.

ФЕРМЕРНИНГ «ХЎЖАЙИНИ» — ШАРТНОМА

дейди пскентлик фермер Хусан Мирзаев

томонлама таҳлил этиб, бунга ишонч ҳосил қилдик. Хусан Мирзаевни том маънода мустақил фермер дейиш учун ҳамма асос бор. Аввало, у ўзининг техникасини бутлаб олган. Учта «Белорус» трактори бор. Улар билан ғўзага ишлов беради. Ҳосил пишиб етилганда аппаратни осиб, пахта теради ва тиркамани улаб, хомашёни қабул пунктига ташияди. Ерларини эса, ўзининг «Олтой Т-4» занжирли тракторида ҳайдади ва экишга тайёрлайди. Чигитни ҳам 8-10 гектар майдонга лофи билан ярим кунда экади. Негаки, ҳамма имконият ўз қўлида. Барча техника воситаларини ўзи ва укалари бошқаришаверади. Хўжаликни кўз текиб, қачон бизга навбат келаркин, деб кутиб ўтирмайди. Туман МТПсининг хизматидан эса деярли фой-

ҳосилини саранжомлаб олгач, даромаднинг бир қисмини шунга ажратмоқчи.

Иккинчидан, «Тадбиркор-банк»нинг туман бўлимида ўзининг ҳисоб рақамини очган. Маблағининг кети узилмайди. Таъминотчи ташкилотлар, ғалла ва пахта қабул қилиш пунктлари билан ўзи мустақил шартнома тузади. Хўжалик раҳбарларига ортиқча тиргалмайди. Лекин улар фермерни ўз ҳолига ташлаб қўйишмайди. Ёнилғи ва ўғит сақланадиган омбордан жой ажратиб беришган. Пулини вақтида ўтказиб тургани учун керакли ёнилғи ва ўғитларини олдиндан ғамлаб қўяди. Шунинг учун ғаллага ҳам, ғўзага ҳам меъёрддаги ўғитни вақтида ва тўлиқ беради.

Учинчидан, фермер бўлган дастлабки йилдан буён фақат бир ерда дехқончилик қилади.

зев ҳар йили пахтадан ҳам мўмай даромад оляпти. Ўтган йили 10 гектар ердан 35 тонна хирмон кўтарди. Пахтасининг ҳар килограммини ўртача 153 сўмдан сотди. Ўзига 1,5 миллион сўм соф фойда қолди.

— Бунинг боиси бор, — дейди фермер. — Икки йилдан бери пахтани асосан қўлда теряпмиз. Чунки, машинада терилган пахта кўпроқ иккинчи навга қабул қилинади. Бунинг устига ифлослигини баҳона қилиб, кўп чиқит чиқарилади. Яна бир томони — машина пахтани тўкиб теради. Хуллас, ортиқча чиким кўп. Шунинг учун мавсумда четдан одам ёллаб, пахтани фақат икки марта теряпмиз ва асосан юқори навга сотаяпмиз.

Бизнингча, шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакка ўхшайди. Мустақил

Dushanba

15

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан, 15 сентябрь кун «Ўзбекистон» телеканал кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлилнома».

15.45 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».

16.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди».

16.25 ТВ клип.

16.30 «Камила».

Телесериал.

17.00 1. «Эртанги кун

эгалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.

18.00 Янгилликлар.

18.10 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Шарқ зарчашмаси».

18.25 «Олтин мерос».

18.45 «Қалқон».

19.05 «Мулкдор».

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».

21.25 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила».

Телесериал.

21.55 Репортаж.

22.00 «Ўч». Видеофильм премьераси. 5-қисм.

22.40 «Кўшигимиз Сизга армуғон».

23.00 «Япония: турмуш тарзи». Хужжатли телесериал.

23.20 «Ахборот-дай-жест».

23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

телеканал

17.00 Кўрсатувлар дастури.

17.05 Жаҳон жуғрофияси.

17.55 «Янги авлод» почтаси.

18.10 «Басат паҳлавон». Мультфильм.

18.30 Муқаддас бурч.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 ТВ - анонс.

19.40 Юртим кўрки.

20.00 Мусиқий лаҳзалар.

20.10 Сув - ҳаёт манбаи.

20.15 Ёшлар овози.

20.35 ТВ - адвокат.

20.40, 21.25, 22.35 Ёшлар.

20.45 «Гвадалупе». Телесериал.

21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.

0.25 - 0.30 Хайрли тун.

«Тошкент»

телеканал

17.10 Кўрсатувлар

тартиби.

17.20 ТТВда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».

17.50 Хориж хабарлари (рус)

18.00, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 Болажонлар экрани.

18.30, 20.00, 20.40, 22.15 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».

19.05 «Хориж хабарлари».

19.15 ТТВда сериал. «Айрилик азоби».

20.20 «Халқ саломатлиги йўлида».

20.55 «Аvtо-news».

21.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

21.30 ТТВда сериал. «Эдемга қайтиш»

(яқунловчи)

22.35 Кинонигоҳ. «Чексиз муҳаббат».

23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро»

телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 «Вести».

16.15 «Кулгу хонаси».

17.05 «Евроњьюс» янгилликлари.

17.30 «Генерал бўлиш қандай яхши».

М. Танич 80 ёшда.

18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.

19.00 «Мени кутгил».

20.00 «Время».

20.30 «Икки тақдир».

Сериал.

21.40 «Бизнес ревью».

21.45 «Миср афсонаси».

22.15 CFI тақдим этади: «Илм-фан афсонаси».

23.00 «Ахборот».

23.35 Кинематограф. «Куйлаётган аёл».

Бадий фильм.

00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур». 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Асфальт». 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Комиссар Мулен». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Соя». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

16

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Водил», «Чортоқ».

9.20 «Рангин дунё».

9.40 «Мулкдор».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.

10.05 «Камалак».

Болалар учун кинодастур.

11.15 Мусиқий танаффус.

11.30 «Теннис: кеча ва бугун». Осиё чемпионати олдидан.

12.05 «Кўпчилик қаторида».

12.25 «Фарз ва қарз».

12.40, 13.50 ТВ клип.

12.50 Болалар спорти: «Маҳалламиз стадиони».

13.10 «Ўч». Видеофильм. 5-қисм.

14.10 «Муносабат».

14.40 NHK тақдим этади: «Буюк Ипак йўли». Телесериал премьераси.

15.30 «Яхшилик».

16.10 «Камила». Телесериал.

16.40 «Аския».

17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.

18.40 Репортаж.

18.45 «Олтин бешик».

19.05 «Тафсилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Истеъмолчи».

21.25 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила».

Телесериал.

21.55 «Шарқ тароналари».

22.15 «Ўч». Видеофильм премьераси. 6-қисм.

22.55 «Ахборот-дай-жест».

23.15 «Мен Тянь-Шанман». Бадий фильм. 1-қисм.

00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Шум болалар.

9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 1-қисм.

10.45 ТВ - адвокат.

10.50 Кинотақдим.

11.10 «Гвадалупе». Телесериал.

11.50 Ёшлар овози.

12.10 «Ясон ва аргонавтлар». Кўп қисмли бадий фильм 4-қисм.

12.55 Мусиқий лаҳзалар.

13.00 Давр.

13.10 ТВ - анонс.

13.15 «Азизим» кўрсатуви туркумидан: «Чорраҳадаги уй» 1-қисм.

13.45 Интерфутбол.

15.25 «Эраимиздан аввалги дунё». Маърифий фильм 3-қисм.

15.50 Қишлоқдаги тенгдошим.

16.10 Мусиқий лаҳзалар.

16.20 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.

17.10 Кўрсатувлар дастури.

17.15 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

17.35 Солиқ ҳақида сабоқлар.

17.50 Ёшлар овози.

18.10 Минг бир маслаҳат.

18.30 Автопатрул.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 «Давр» интервью.

19.50 ТВ - анонс.

19.55 Дийдор.

20.15 Сув - ҳаёт манбаи.

20.20 Мусиқий лаҳзалар.

20.30 ТВ - адвокат.

20.35, 21.20, 22.35 Ёшлар.

20.40 «Гвадалупе». Телесериал.

21.25 Озод юрт фарзандлари.

21.45 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.

23.45 - 23.50 Хайрли тун.

«Тошкент»

телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».

17.50 Хориж хабарлари (рус)

18.00, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 «Химоя».

18.30, 20.00, 21.30, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».

19.05 «Хориж хабарлари».

19.15 ТТВда сериал. «Айрилик азоби».

20.20 «Туризм ҳақида».

20.50 ТТВда сериал. «Лўлининг бахти».

21.50 «Ҳамшаҳарлар».

22.30 Кинонигоҳ. «Коломбо: Фаройиб жиноят».

23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро»

телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 - 7.00.

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 «Вести».

16.15 «Аншлаг».

17.00 «Евроњьюс» янгилликлари.

17.20 «Машхурлар. Л. Касаткина».

18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.

18.50 «Дилбарлар, жигарбандлар».

Сериал.

19.30 «Т. Полонская билан бирга».

20.00 «Время».

20.30 «Икки тақдир».

Сериал.

21.40 «Бизнес ревью».

21.45 «Х-Спорт».

22.05 «Хроника».

22.15 «FCN Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз

тилида)

22.25 «Ахборот».

23.00 Кинематограф. «Гранд отель».

Бадий фильм.

00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Соя». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30-да спорт. 16.40 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Антитело». 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Комиссар Мулен». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Тириклайин қўлга олинсин». 23.15 Рестлинг титанлари.

Chorshanba

17

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Бойсун».

9.20 «Олтин бешик».

9.40 «Тафсилот».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.

10.05 «Нотаниш ворис». Бадий фильм.

11.25 «Теннис: кеча ва бугун». Осиё чемпионати олдидан.

11.55, 13.25 ТВ анонс.

12.05 «Қизлар давраси». 1-қисм.

13.30 «Истеъмолчи».

13.50 Мусиқий танаффус.

14.10 NHK тақдим этади: «Буюк Ипак йўли». Телесериал премьераси.

15.00 «Ягона оилада».

15.30 «Ўч». Видеофильм. 6-қисм.

16.10 «Ўзбекистон бастакорлари».

16.30 «Камила». Телесериал.

17.00 1. «Қизқарли учрашувлар». 2. «Болаликнинг мовий осмони».

18.10 «Мувозанат».

18.30 «Умид». Телелотерея.

18.55 «Аждодлар мероси».

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Юзма-юз».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Журналист таҳлили».

21.25 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила».

Телесериал (Яқунловчи қисм)

21.50 ТВ клип.

22.00 «Ўч». Видеофильм премьераси. 7-қисм.

22.40 «Ахборот-дай-

жест».

23.00 «Мен Тянь-Шанман». Бадий фильм. 2-қисм.

00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.

9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 2-қисм.

10.45 ТВ - адвокат.

10.50 «Давр» - интервью.

11.05 Тараққиёт уфқлари.

11.25 «Гвадалупе». Телесериал.

12.05 Ёшлар овози.

12.25 ТВ - анонс.

12.30 Юртим кўрки.

12.50 Бахтли болалик кўшиқлари.

13.00 Давр.

13.10 ТВ - анонс.

13.15 «Азизим» кўрсатуви туркумидан: «Чорраҳадаги уй» 2-қисм.

13.45 Ёшлар телеканалда спорт дастури: 1 Нокаут, 2 Теннис.

14.45 Автопатрул.

15.05 Жаҳон жуғрофияси.

15.55 Мусиқий лаҳзалар.

16.05 ТВ - анонс.

16.10 «Катта бўлишни хоҳламайман». Бадий фильм.

17.20 Кўрсатувлар дастури.

17.25 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Ҳамма нарсани билишни истайман.

17.50 «Кузги кемачалар». Мультфильм.

18.00 Қуёшли юрт одамлари.

18.15 ТВ - анонс.

18.20 Ёшлар овози.

18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 Давр.

19.35 «Зинама - зина». Телеўйини.

20.00 Спорт - лото.

20.10 «Тупроққа таъзим».

20.40 ТВ - адвокат.

20.45, 22.35 Ёшлар.

20.50 «Гвадалупе». Телесериал.

21.30 Чемпион сирлари.

21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.40 ТВ-анонс.

22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.

0.25-0.30 Хайрли тун.

«Тошкент»

телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».

17.50 «Хориж хабарлари (рус)

18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.

18.05 «Мусиқий меҳмонхона».

18.30, 20.00, 21.05, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.45 «Табриқлаймиз-қутлаймиз».

19.05 «Хориж хабарлари».

19.15 ТТВда сериал. «Айрилик азоби».

20.20 «Аёл қалби».

20.45 «Сухбатдош».

21.20 ТТВда сериал. «Лўлининг бахти».

22.20 Кинонигоҳ. «Гулвернинг саргузаштлари». 1-қисм.

23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро»

телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 - 7.00.

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 «Вести».

16.15 «Ўз-ўзига режисёр».

17.00 «Евроњьюс» янгилликлари.

17.20 «Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси».

18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини».

Сериал.

18.50 «Энг сеvimли кўшиқлар». Концерт дастури.

20.00 «Время».

20.30 «Икки тақдир».

Сериал.

21.40 «Бизнес ревью».

21.45 «Ҳинд оҳанглари».

22.15 «Х-спорт».

22.35 Кинематограф. Уч мушкетер. «Миледи

қасоси». Бадий фильм.

00.10 «Ахборот».

00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40, 16.00 «30-да спорт. 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Тириклайин қўлга олинсин». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.40 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал» кинооқшоми. «Чўккан самолёт сирин». 19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 19.45 «Комиссар Мулен». Сериал. 21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Ўлим билан юзма-юз». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba

18

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

«Болалар сайёраси»:

9.00 1. «Қизқарли учрашувлар».

2. «Болаликнинг мовий осмони».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.

10.05 «Колонна». Бадий фильм. 1-қисм.

11.10 Симфоник мусиқа дунёси.

11.30 «Теннис: кеча ва бугун». Осиё чемпионати олдидан.

12.05, 16.40 ТВ анонс.

12.10 «Қизлар давраси». 2-қисм.

13.10 «Журналист таҳлили».

13.30 «Аждодлар мероси».

14.10 NHK тақдим

этади: «Буюк Ипак йўли». Телесериал премьераси.

15.00 «Меҳр қолур».

15.20 «Камила». Телесериал.

15.45 Мусиқий танаффус.

16.00 «Ўч». Видеофильм. 7-қисм.

16.45 1. «Кўшигимиз - жон кўшигимиз». 2. «Цирк цирк, цирк».

17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.

18.10 «Яхшилар ёди».

18.30 «Соғлом она - соғлом бола».

18.50 «Шарқ тароналари».

19.05 «Ҳаёт ва қонун».

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 «Оқшом эртаклари».

20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Фафлат». Хужжатли фильм.

21.20 Телемулоқот.

22.00 «Ўч». Видеофильм премьераси. 8-қисм.

22.40 Ўзбекистон халқ хофизлари куйлайди.

23.00 Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳим».

23.20 «Ахборот-дайжест».

23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.

9.15 ТВ - анонс.

9.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Ҳамма нарсани билишни истайман.

9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 3-қисм.

10.45 ТВ - адвокат.

10.50 Тафаккур ёлқин-

лари.

11.05 Ёшлар овози.

11.25 «Гвадалупе». Телесериал.

12.05 Спорт қитъаси (рус тилида)

12.30 Чемпион сирлари (рус тилида)

12.50 Мусиқий лаҳзалар.

13.00 Давр.

13.10 ТВ - анонс.

13.15 «Азизим» кўрсатуви туркумидан: «Чорраҳадаги уй» 3-қисм.

13.45 Интерфутбол.

15.25 «Тупроққа таъзим».

15.55 «Эраимиздан аввалги дунё». Маъри-

фий фильм 4-қисм.

16.20 Мусиқий лаҳзалар.

16.30 Қуёшли юрт одамлари.

16.45 ТВ - анонс.

16.50 Фарзандим - жигарбандим.

Маҳалла ҳаётдан лаҳзалар. 7-қисм.

17.15 Кўрсатувлар дастури.

17.20 «Янги авлод» студияси: Келинг, танишайлик.

17.40 Ёшлар овози.

18.00 Сийрат.

18.20 ТВ - анонс.

18.25 Табобат оламида.

18.50 Олтин

мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - интер-
вью.
19.50 ТВ -анонс.
19.55 Ҳадалак плюс.
20.00 Мусиқий лаҳза-
лар.
20.10 Мутолаа. Мақсуд
Шайхзода.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.20, 22.35
Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе».
Телесериал.
21.25 Бегойим.

21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телекана-
лида спорт дастури:
Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Ақлдан оздирадиган
ўйинлар».
17.50 «Хориж хабарлари»
(рус)

18.00, 20.35 «Экспресс»
телегазетаси.
18.05 «Болажонлар
экрани».
22.45 «Ёшлар» телекана-
лида спорт дастури:
Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.
**«Халқаро»
телеканал**
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 -
7.00.
16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Мультисеанс».
16.35 «Дунёнинг янги.
муъжизалари».

«Лўлининг бахти».
21.55 Кинонигоҳ.
Гулвернинг саргу-
заштлари». 2-қисм.
23.10-23.15 Хайрли тун,
шаҳрим!
**«Халқаро»
телеканал**
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 -
7.00.
16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Мультисеанс».
16.35 «Дунёнинг янги.
муъжизалари».

17.00 «Евроныйос»
янгиликлари.
17.20 «Оддий Кулгу».
17.50 «Ишонч ва муҳаб-
бат замини». Сериал.
18.50 «Дилбарлар,
жигарбандлар».
Сериал.
19.30 «Томас Эдисон ва
электр чироқлари».
20.00 «Время».
20.30 «Икки тақдир».
Сериал.
21.40 «Бизнес ревью».
21.45 «Ишбилармон
кишилар».
22.05 «FCN Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз
тилида).
22.15 «Ахборот».
22.50 Кинематограф.
«Қироличанинг тақин-
чоқлари». Бадий
фильм.
00.30 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.30, 20.45
«Телехамкор». 9.30, 14.10
Болалар соати. 10.15
«Пауэр Рейнджерс ёки куч-
ли рейнджерлар» Сериал.
10.40, 16.00 «30»да спорт.

11.10 «Тез ёрдам». Се-
риал. 12.00 «Улим билан
юзма-юз». Фильм. 13.30
«У қотилликни баён
эти». Телесериал. 15.00
Телешоу. 16.40 «Хуж-
жатли сериал». 18.00
«30-канал» киноқшоми:
«Соатли механизм».
19.30 «Ошиқона». Муси-
қий дастур. 19.45 «Ко-
миссар Мулен». Сериал.
21.05 «Клип-совга». Телета-
брикнома. 21.20
«Хайрли тун, кичкинтой-
лар!». 21.30 «30-канал»
киноқшоми. «Нью-Йорк-
да куз». 23.15 Спорт
дастури.

JUMA

19

**«Ўзбекистон»
телеканал**
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1. «Кўшгим - жон
кўшигим». 2. «Цирк,
цирк, цирк».
10.00, 12.00, 14.00,
18.00 Янгиликлар.
10.05 «Колонна».
Бадий фильм. 2-
қисм.
11.10 «Хаёт ва қонун».
11.30 Теннис: кеча ва
бугун». Осие чемпио-
нати олдидан.
12.05 «Эртақлар -
яхшилиққа етаклар».
13.05 ТВ анонс.
13.10 Болалар спорти:
«Бир умр ҳамроҳим».
13.30 «КиноТеатр».
13.50, 16.10 ТВ клип.
14.10 Телемулоқот.
14.50 «Қалб гавҳари».

15.10 «Мухлис ёхуд
кўшиқ изидан».
15.30 «Уч». Видеофильм.
8-қисм.
16.20 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа. 3.
«Геракл Адметнинг
меҳмони». Мульт-
фильм.
17.40 «Нурли манзил-
лар».
18.10 «Кўйла, ёшлигим».
18.30 «Иқтидор».
Интеллектуал теле-
ўйин.
19.05 «Зиё» студияси
намойиш этади:
«Эътиқод мустаҳкамли-
ги йўлида».
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 «Уч». Видеофильм
премьераси. 9-қисм.
22.15 ТВ клип.

22.25 «Агар Сиз». Ток-
шоу.
22.55 «Ахборот-дай-
жест».
23.15-23.20 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканал**
6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод»
студияси: Келинг,
танишайлик.
9.40 «Мультимоша».
9.55 Тонгги сериал:
«Живз ва Вустер» 4-
қисм.
10.45 ТВ - адвокат.
10.50 «Давр»-интервью.
11.05 Минг бир масла-
ҳат.
11.25 «Гвадалупе».
Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 «Фарзандим -
жигарбандим». Маҳал-
ла ҳаётдан лавҳалар
7-қисм.

12.50 «Шарқ таронала-
ри» фестивали
оҳанглари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Интерфутбол.
14.55 «Куз». Телефильм.
15.05 Бегойим.
15.25 Мусиқий лаҳзалар.
15.35 Сийрат.
15.55 «Товус малика».
Бадий фильм.
17.20 Мутолаа.
17.40 Кўрсатувлар
дастури.
17.45 «Янги авлод»
студияси: У ким? Бу
нима?
18.05 «Хатолар ороли».
Мультфильм.
18.30 Аскар мактублари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 ТВ - анонс.
20.00 Мусиқий лаҳза-
лар.
20.05 «Меҳр кўзда».
20.40, 21.25, 22.35
Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе».
Телесериал.

21.30 Қишлоқдаги
тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ - анонс.
22.45 Азизим.
23.10 «Ёшлар» телекана-
лида спорт дастури:
1.Футбол плюс, 2.Ринг
қироллари.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Ақлдан оздирадиган
ўйинлар».
17.50 «Хориж хабарлари
(рус)
18.00, 20.35 «Экспресс»
телегазетаси.
18.05 «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 20.40,
22.25 «Пойтахт»
ахборот дастури.
18.45 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарла-
ри».
19.15 ТТВда сериал.
«Айрилик азоби».
20.20 «Навбатчи қисм».

20.55 «Эл хизматида».
21.15 ТТВда сериал.
«Қиш сонатаси».
22.45 Кинонигоҳ.
«Дарахтта тирмашиб».
00.15-00.20 Хайрли тун,
шаҳрим!
**«Халқаро»
телеканал**
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 -
7.00.
16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Мультисеанс».
16.35 «Машхурлар. Анни
Жирардо».
17.00 «Евроныйос»
янгиликлари.
17.25 «Хужжатли
детектив».
18.00 Машхурлар. Брюс
Ли.
18.50 «Муъжизалар
майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес-ревью».
20.35 «Дурдаршан».
21.00 «Хит парад».
21.30 «Жаҳон юлдузла-
ри».
21.50 «Мэрини ҳамма
ардоқлайди». Киноко-

медия.
00.10 «Ахборот».
00.45 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.30, 20.45
«Телехамкор». 9.30,
14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнджерс
ёки кучли рейнджерлар»
Сериал. 10.40 «Маъри-
фий дастур». 11.10 «Тез
ёрдам». Сериал. 12.00
«Нью-Йоркда куз».
Фильм. 13.30 «У қотил-
ликни баён этди». Телесериал.
15.00 Телешоу. 16.00
«30» да спорт. 16.40
«Хужжатли сериал».
18.00 «30-канал»да
ринг қироллари. 18.50
Юмор дастури. 19.30
«Ошиқона». Мусиқий
дастур. 19.45 «Комиссар
Мулен». Сериал. 21.05
«Клип-совга». Телета-
брикнома. 21.20 «Хайрли
тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кино-
қшоми. «Ердан ташка-
рида». 23.15 Спорт дас-
тури.

Shanba

20

**«Ўзбекистон»
телеканал**
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!»
Телемусобақа. 3.
«Билмасвой рудда».
Мультфильм.
10.20 «Зиё» студияси
намойиш этади:
«Эътиқод мустаҳкамли-
ги йўлида».
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 «Теннис: кеча ва
бугун». Осие чемпио-
нати олдидан.
12.00, 15.10 ТВ анонс.
12.05 «Прициллар
оиласининг шаъни».
Бадий фильм. 1-
қисм.
13.10 «Санъатга
бахшида умр».
13.30 «Прициллар
оиласининг шаъни».
Бадий фильм. 2-

қисм.
14.30 «Адабий жараён».
14.50 «Истеъдод».
15.15 «Уч». Видеофильм.
9-қисм.
15.55 «Ягона оилада».
16.25 «Саргузаштлар
оролари». Телешоу.
17.00 ТВ клип.
17.10 «Рангин дунё».
17.30 Футбол бўйича
Ўзбекистон чемпиона-
ти. «Пахтакор».
«Навбахор» жамоала-
ри учрашув. Маржа-
зий «Пахтакор»
стадиондан олиб
кўрсатилади. Танафус
пайтида - Бир жуфт
кўшиқ.
19.30 «Ахборот» (рус
тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон
янгиликлари» (инглиз
тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Обод ўйда пок
одамлар яшайди».
21.25 «Уч». Видеофильм
премьераси. 10-қисм.

22.05 Эстрада тарона-
лари.
22.20 «Гап чикди».
Телешоу.
23.05 «Ахборот-дай-
жест».
23.25 «Мадакор рух».
Бадий фильм.
00.50-00.55 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканал**
6.55 Кўрсатувлар
дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ - анонс.
9.40 «Янги авлод»
студияси: У ким? Бу
нима?
10.00 Болалар экрани:
«Букрининг сирин».
10.50 Табобат оламида.
11.15 «Гвадалупе».
Телесериал.
11.55 Мусиқий дастур.
12.10 Ринг қироллари.
13.00 Азизим.
13.25 ТВ - анонс.
13.30 «Дарё бўйидаги
учрашув». Бадий
фильм.

15.00 Озод юрт
фарзандлари.
15.20 «Қаҳқаҳа» театр -
студияси намойиш
этади.
15.50 ТВ - анонс.
15.55 Ҳамкасб.
16.15 «Экспедиция». Кўп
қисмли ҳужжатли
сериал.
17.05 Қишлоқдаги
тенгдошим.
17.25 Кўрсатувлар
дастури.
17.30 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма.
17.55 Мультфильм.
18.15 Саломатлик
сирлари.
18.35 ТВ - анонс.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репор-
таж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Кутилмаган
меҳмон.
20.20, 21.10, 22.35
Эълонлар.
20.25 «Бошсиз чавандоз
ҳақида афсона».
Бадий фильм 1-қисм.
21.15 Оҳанрабо.

22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телека-
налида премьераси
«Лагаан». Бадий
фильм 1-қисм.
0.35-0.40 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.
«Ақлдан оздирадиган
ўйинлар».
17.50 «Мультичархпалак».
18.10, 21.40 «Экспресс»
телегазетаси.
18.15 «Мисли гавҳар».
18.30 «Афиша».
18.50 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
19.10 «Ўзбектелефильм»
студияси намойиш
этади: «Сополда акс
этган дунё».
19.25 «Меҳридарё
онагинам».
19.40 «Жаҳон географи-
яси».
20.10 «Хусусийлашти-
риш: қадам-бақадам».
20.30 ТТВда сериал.
«Қиш сонатаси».
21.45 Кинонигоҳ.
«Севимли Рожа».

00.15-00.20 Хайрли тун,
шаҳрим!
**«Халқаро»
телеканал**
9.05 Кўрсатувлар
тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.30 Кинематограф.
«Учинчи Бетховен».
Бадий фильм.
11.00 «Мусиқий серпан-
тин».
11.30 Болалар соати.
13.00-14.00 Дўстлик
видеоканал: «В
добрый хате», «Умид»,
«Чинсэн».
16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Мультисеанс».
16.25 «Билишни истай-
ман».
16.40 «Ассалом, Фран-
ция!»
16.55 «Дунёнинг янги
муъжизалари».
17.20 «Хазил кетидан
ҳазил». Ҳажвий
кўрсатув.
18.10 «Ким миллионер
бўлишни истайди?»
19.10 Премьера.
«Кармадон. Бир
йилдан сўнг».
20.00 «Время».

20.30 «Ютуқ». Теле-
ўйин.
21.50 «Олтин граммо-
фон».
22.50 «Ахборот».
23.25 Кинематограф.
«Амадей». Бадий
фильм.
1.55 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 17.40, 20.45
«Телехамкор». 9.30 «Ди-
нозаврлар». Мультсери-
ал. 10.00 Болалар учун
фильм. 11.30 «Маърифий
дастур». 12.00 Оилавий
кино. «Ердан ташкари-
да». 13.40 Шоу дастури.
14.30 Ҳинд киноси. 17.00
Телешоу. 18.10 «30-ка-
нал» киноқшоми. «Тезо-
рар поезд». 19.45 «Оши-
қона». Мусиқий дастур.
20.00 «Асли ҳаётдаги-
дек». Сериал. 20.30
«Клип-совга». Телета-
брикнома. 21.05 «Чаклак-
зор». Сериал. 22.00 «30-
канал»да киноқшом.
«Ўтган ёзда қилган иш-
ларингизни мен ҳамон
биламан». 23.45 Муси-
қий дастур.

Yakshanba

21

**«Ўзбекистон»
телеканал**
6.00 «Ассалом,
Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун
кинодастур.
9.00 «Шарқ таронала-
ри».
9.40 «Бахтиёр шаҳзо-
да». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга
хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа
олам».
12.10 ТВ 1 кинотеатри:
«Сўнгги совга».
Бадий фильм.
14.00 «Гап чикди».
Телешоу.
14.45, 16.00 ТВ
анонс.
14.50 «Шоҳ Султон
ҳақида эртақ».
Мультфильм.
15.40 «Кўҳна замин
оҳанглари».

16.05 «Уч». Видеофильм.
10-қисм.
16.45 «Портретга
чизгилар».
17.05 ТВ клип.
17.15 1. «Ғаройибкентга
саёҳат». 2. «Олтин
тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Бир кулишай-
лик».
18.40 «Қалб гавҳари».
19.00 Бир жуфт кўшиқ.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.30 «Тахлилнома» (рус
тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-
кўрсатувгача».
20.30 «Тахлилнома».
21.10 «Кўшигимиз Сизга
армуғон».
21.30 «Яшшлик».
22.10 «Сўнгги романс».
Бадий фильм.
00.10-00.15 Ватан
тимсоллари.
**«Ёшлар»
телеканал**
6.55 Кўрсатувлар
дастури.

7.00 «Мунаввар тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
9.00 ТВ - анонс.
9.05 «Давр» - репортаж.
9.15 «Янги авлод»
студияси: Бўш ўтирма.
9.40 «Фозу-турналар».
Мультфильм.
10.00 Оҳанрабо.
10.40 «Учинчи сайёра».
Маърифий дастури.
11.30 «ФИФА» (футбол
ичида, футбол атрофи-
да)
12.10 Кувноқ стартлар.
12.40 Аскар мактублари.
13.00 «Аянинг кўнги-
роқчаси». Бадий
фильм.
14.25 Мусиқий дастур.
14.40 Ёшлар овози.
15.00 «Бошсиз чавандоз
ҳақида афсона».
Бадий фильм 1-қисм.
15.45 Чемпион сирлари.
16.05 «Зинама-зина».
Телешоу.
16.30 «Экспедиция». Кўп
қисмли ҳужжатли
сериал.
17.20 ТВ - анонс.
17.25 Кўрсатувлар
дастури.
17.30 «Янги авлод»

студияси: Катта
танафус, Болалар
учун концерт.
18.05 Спорт ҳафтанома-
си.
18.20 Хуш келибсиз.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ - анонс.
19.25 Сув - ҳаёт
манбаи.
19.30 Шаҳноза Исмои-
лова куйлайди.
19.50, 20.45, 22.30
Эълонлар.
19.55 «Бошсиз чавандоз
ҳақида афсона».
Бадий фильм 2-қисм.
20.50 «Қилни қирқ
ёриб...» Интеллектуал
ўйин.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта
ичида.
22.35 ТВ - анонс.
22.40 «Лагаан». Бадий
фильм 2-қисм.
0.30 - 0.35 Хайрли тун.
**«Тошкент»
телеканал**
17.10 Кўрсатувлар
тартиби.
17.20 ТТВда сериал.

«Ақлдан оздирадиган
ўйинлар».
17.50 «Эртақларнинг
сеҳрли олами».
19.30, 22.20 «Экспресс»
телегазетаси.
19.35 «Табриқлаймиз-
кутлаймиз».
19.55 «Хўқонди латиф».
Телевизион фильм.
20.10 «Жаҳон географи-
яси».
20.40 «TV плюс».
21.10 ТТВда сериал.
«Қиш сонатаси».
22.25 Кинонигоҳ. «Изсиз
кетган».
23.55-24.00 Хайрли тун,
шаҳрим!
**«Халқаро»
телеканал**
9.05 Кўрсатувлар
тартиби.
9.10 Д. Криловнинг
«Йўлда ёзилмаган
қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалиги-
да».
10.10 «Фан тайм».
10.20 «Уйғоқ тонг».
Информацион дам
олиш дастури.
11.50 «Экран зийнати
ва қиймати».
12.15 FCN «Ўзбекистон

янгиликлари».
12.25 «Ошхонада
инглизча гапиримиз».
12.35 «Парле ву
франсе?»
13.00 «Инглиз тили
курси».
13.10 «Хусусийлашти-
риш: қадам-бақадам».
13.30-14.50 Дўстлик
видеоканал: «Рангин-
камон», «Дидар»,
«Корейс тилини
ўрганамиз».
16.00 Кўрсатувлар
тартиби.
16.05 «Мультисеанс».
16.35 «Кулгу қиролла-
ри».
17.00 «Бинафша».
17.20 «Нострадамус».
Хужжатли фильм.
18.00 «Аралаш».
18.10 «Омадли жентель-
менлар». Кинокомедия.
20.00 «Дунёга назар».
20.20 «Тенгдошлар».
20.50 «Кинопрофи».
21.10 «Кўнги-кўнги-
пайванд».
21.40 «Ҳикоя».
22.00 Кинематограф.
«Ажойиб гўдақлар».
Бадий фильм.
23.30 Бокс. Крис Берд

- Фрес Океңдо.
00.30 «Тахлилнома».
1.10 «Тунингиз осуда
бўлсин!»
30-канал
9.00 Дастурнинг очили-
ши. 9.05, 11.30,
17.40, 20.45 «Телехам-
кор». 9.30 «Динозавр-
лар». Мультсериал.
10.00 Болалар учун
фильм. 12.00 Оилавий
кино. «Ўтган ёзда қил-
ган ишларингизни мен
ҳамон биламан». 13.40
Шоу дастури. 14.30
Кундузги кинозал: «Бир
куни йигирма йил
ўтгач». 16.10 Маъри-
фий дастур. 16.40 Муси-
қий дастур. 17.00
Телешоу. 18.10 «30-
канал» киноқшоми:
«Ака-ука Зорролар».
19.45 «Ошиқона». Муси-
қий дастур. 20.00
«Асли ҳаётдаги-дек».
Ҳажвий сериал. 20.30
«Клип-совга». Телета-
брикнома. 21.05 «Чакла-
кзор». Сериал. 22.00
«30-канал»да яшанба
киноқшоми. «Тўнги
навбатчилик». 23.30
Спорт шарҳи.

125 КИЛОГРАММ ГЕРОИН ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси матбуот марказидан хабар қилишларича. Тошкент вилоятининг Ойбек божхона масканида Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда "Икарус" русумли автобусда олиб кетилаётган 125 килограмм героин қўлга олинди.

Хар бир ўрм ва халта устига "Усама бен Лодиндан" деб ёзиб қўйилган ушбу "оқ ажал"нинг бозор нархи қарийб 9 миллион АҚШ долларига тенг.

Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилоятдан Россия Федерацияси томон йўлга чиққан "Икарус" автобуси юртимиз худудидаги кираверишда текшириб кўрилганида, бир қарашда ҳаммаси жойидагидек туюлган эди. Йўловчи гашиш учун йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар бекаму-кўст бўлса-да, ҳайдовчининг саросимага тушаётгани божхоначилар диққатини тортди.

Бунинг сабабини Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология марказида махсус ўргатилган хизмат итлари топиб берди. Улар ёрдамида орқа ўриндик тагида қўшимча ёқилги баки ўрнатилгани аён бўлди. Шундан сўнг, махсус ускуналар билан текшириб кўрилганда ушбу бак ичидан яна бир хуфёна бак чиқди. Ер чизиби қолган Қирғизистон фуқароси бўлмиш ҳайдовчи эса "бу юк меники эмас, манзилга етказиш учунгина пул ваъда қилишувди", дейишдан ўзга баҳона тополмади.

Энг кучли психотроп моддалардан ҳисобланадиган героиннинг асл эгалари кимлигини аниқлаш борасидаги суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

**Беход НОРБОВ,
ЎЗА мухбири.**

Куйичирчилик Ҳамидулла Тўйчиев, Баҳром Тожибоев ҳамда Ҳусниддин Қурбонбоевлар нафс гирдобига илинганлардан чиқиб қолишди. Яна қандай қилиб денг, осон йўл билан, жон куйдирмасдан, мўмай даромадни кўзлаб, бировларнинг соғлиғи ҳаётига тажовуз қилишлари мумкинлигини хаёлларига келтирмаган ҳолда, чўнтақларини жаражарақ пулга тўлдирмоқчи бўлдилар. Бирок, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари бунга йўл қўймадилар.

Гап шундаки, билагидаги кучи тоғни талқон қилишга етгулик бўлган йигит Ҳамидулла Тўйчиев Тамға қишлоғидаги далаларда ўсган наша ўсимлигини топиб, уйининг томида қуритиб, гулларини майдалаган. Ундан жами 190,4 грамм миқдорда марихуана гиёҳвандлик моддасини тайёрлаган ва бир қанча вақт уйи-

да сақлаб келган. 2003 йил 23 январь куни эса, ўзи тайёрлаган захри қотилни Гул қишлоғида яшовчи Баҳром Тожибоевга 30 минг сўмга пуллаб, осон келган даромадни чўнтағига уради.

Баҳром Тожибоев ҳам ўз

вандлик моддаларини автомашина капотининг остки қисмига яширдилар. Бу ҳам етмагандек, Ҳ. Тўйчиевнинг уйига бориб, у ердан яна 81,6 грамм ана шундай моддаларни сотиб олдилар. Шундан 0,5 граммини шу

қўлга олиндилар. Уларнинг барча кирдикорлари фош этилди.

Бу уч «ишбилармон» кимсалар ўз қилмишларига яраша қонун олдида жавоб бердилар. Суд ўз ҳукмини ўқиди. Аммо, кишини бошқа нарса ўйлантиради. Нима учун енгил-елпи йўл билан пул топишни ўзларига одат қилган кимсалар бошқаларнинг ҳаётини заҳарлаётганларини, айниқса, улар сотган гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилганларнинг соғлиғига путур етиши, оилаларнинг пароканда бўлиши, улар жамиятда ўз ўринларини йўқотишлари мумкинлиги ҳақида бироз бўлса ҳам ўйлаб кўрмасалар?..

**Ҳасан ИНОЯТОВ,
вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси, адлия
маслаҳатчиси.**

НАФС ҚЎТҚУСИ

ўрнида уддабуронлардан бўлиб чиқди. Ўз таниши Ҳусниддин Қурбонбоев билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Ҳ. Тўйчиевдан олинган марихуанани 12 та қоғоз қўтиларга қадоқлашади. Шундан сўнг, икки «тадбиркор» ўзларининг «ВАЗ-21011» русумли автомобилларини ҳам ишга солдилар. Гиёҳ-

ернинг ўзида чекишди. Кайфи ошган йигитлар ўз молларини ҳозирнинг ўзидаёқ сотиш ҳаракатига тушиб қолдилар. Шу мақсадда Оққўрғон шаҳри томон йўлга тушдилар.

Буни қарангки, бу сафар уларнинг омади келмади. Гул қишлоғининг марказида ички ишлар ходимлари томонидан



Жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар Қибрай тумани қишлоқларида ҳам изчил амалга ошириляптир. Милиция капитани Фуломжон Жо-

зилов (суратда) ўз тасарруфидаги маҳаллаларни айланиб, паспорт тизими тартиб-қоидаларига риоя этилишини текширмоқда.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Қилмиш- қидирмиш

МИРИШКОР «КЎКАТ»ЧИЛАР

Таркибида гиёҳванд моддалари бор ўсимликларни етиштириш, ақл-хушни ўғирловчи истеъмол воситалари тайёрлаш, уларни сотиш қонунда ман этилади.

Бирок, айрим юртдошларимиз мўмай даромад илинжида мазкур қонунга хилоф иш билан шуғулланмоқдалар.

Паркент туманида ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган «Қорадори — 2003» тадбири давомида Чанги қишлоғида яшовчи А. Мирзанинг уйи гумон остига олинди, текширилди. Буни қарангки, 73 ёшли бу отахон томорқасининг бир четида кўкнори ўстираётган экан.

Шу қишлоқда яшовчи Маҳкам отанинг томорқасида ҳам кўкнори борлиги аниқланди.

Оҳангаронлик Юнус отанинг ҳовлиси назоратдан ўтказилганда 150 туп кўкнори бўй чўзиб турарди. Ушбу ўсимликлар тезкорлик билан йўқ қилинди.

ЁВУЗ ТАЛОНЧИ

Куйичирчилик 18 ёшли М. Асан Янгийўл шаҳар бозорида тенгираб юриб, Қовунчи қишлоғида яшовчи 68 ёшли Абдухалил отага нўписа қила бошлади.

Отахон ёш йигитнинг важохатидан кўрқиб, ёнидаги 3 минг 900 сўм пулини чиқариб берди. Воқеа жойидан қочиб кетаётган Асанни шу атрофда хизмат вазифасини бажараётган вилоят жамоат тартибини сақлаш бўлими ва пост-патрул хизматининг сергак ходимлари қўлга туширишди.

**Шерали АНВАРОВ,
Тошкент вилояти ички
ишлар бошқармаси
матбуот марказининг
ходими.**

«N va GKGXQI»

очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ)

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йилнинг 13 октябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар, Усмон Носир кўчаси, 114-манзил бўйича бўлиб ўтади деб хабар беради.

ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИДА:

1. «N va GKGXQI» очиқ акциядорлик жамияти директорини тасдиқлаш.
2. «N va GKGXQI» очиқ акциядорлик жамияти директорининг биринчи ўринбосарини тасдиқлаш.
3. «N va GKGXQI» очиқ акциядорлик жамиятининг янги кузатув кенгаши таркибини тасдиқлаш.
4. Жамият Уставига ўзгартиришлар киритиш.
5. «N va GKGXQI» очиқ акциядорлик жамияти директорлиги ҳақида Уставга ўзгартиришлар киритиш.

«N va GKGXQI» очиқ акциядорлик жамиятининг мавжудлиги тўғрисидаги ахборот.

Қимматли қоғозлар эгалари рўйхати тузиладиган сана ҳақида эмитент томонидан қарор қабул қилинганлиги санаси — 10.09.2003й.

Қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхати тузиладиган сана — 13.09.2003й.

**Қўшимча ахборотлар олиш учун ОАЖ
жойлашган Тошкент ш., Усмон Носир
кўчаси, 114-уйга мурожаат қилинсин.**

Телефон: 50-91-98.

Зангиота тумани «Бозор савдо»

**ҳиссадорлик жамиятининг
навбатдан тошқари умумий
мажлиси 2003 йил 15 сентябрь соат
11.00 да Зангиота тумани,
Эшонгузар қўрғони, Усмон Юсупов
кўчаси, 1-уй — «Матлуботсавдо»
акциядорлик жамияти маъмурий
биносида бўлиб ўтади.**

Кун тартиби:

1. Ҳиссадорлик жамиятининг низом жамғармаси ҳажмини 2003 йил 24 январдаги 3202-сонли фармонга асосан низомга мувофиқлаштириш ёки бошқа ташкилий ҳуқуқий шаклда қайта ташкил этиш.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сонли қарори ижросини таъминлаш.
3. Бошқа масалалар.

Кузатув кенгаши.

XXI asr va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar



МАБЛАҒДАН МАҚСАД КАТТА

Ироқ ва Афғонистон минтақаларидаги ишларни юқори савияга кўтариш мақсадида АҚШ президенти Ж. Буш мамлакат конгрессидан илгари айтилганидек, 66 миллиард эмас, балки, 87 миллиард доллар талаб қилиш ниятида. Чунки, Оқ уй маъмурияти мазкур давлатларни террорчиликка қарши курашнинг асосий ҳудудлари, деб баҳоламоқда. Истикболда Ироқ ва Афғонистон тинчлик ва тараққиёт минтақалари бўлиб қолиши мумкин, деди президент. Бунга айни кунларда фаолият кўрсатаётган 29 мамлакатдан келган 20 минг кўнгилли ҳарбийларга ёрдам сифатида яна қўшимча байналмилал қисмлар юбориш катта аҳамиятга эга бўлади.

Бундай саяёҳаракат кўрсатиш БМТнинг яқинда қабул қилинган янги резолюцияси лойиҳасида ҳам ўз аксини топди. Энг муҳими, АҚШнинг бошқа давлатлар билан масъулиятни биргаликда «баҳам кўриш» истаклари қатор мамлакатлар томонидан ижобий жараён сифатида маъқулланмоқда.

ИККИ АЛИЕВДАН БИРИ

Озарбайжонда бўладиган президентлик сайловларига ҳозирдан бошлаб қизгин тайёргарлик кўрила бошланди. Номзодлар пойгаси чизигига бугунги кунда 12 нафар номзод чиқди. Аммо, улар орасида ҳозирги давлат бошлиғи Ҳайдар Алиевнинг исми-шарифи йўқ эди. Яқинда бўлган телебаҳсларда ҳам унинг овози эшитилмади. Бунинг сабаблари қаерда?

Гап шундаки, охириги марра томон яна бир Алиев тезкорлик билан «учиб» бормоқда. У — Ҳайдар Алиевнинг ўғли Илҳом Алиев. И. Алиев яқинда бош вазирилик лавозимига ҳам тайинланди. АҚШ президенти Ж. Буш уни мазкур мартаба билан қизгин табриклади. Ҳ. Алиев эса АҚШнинг Кливленд шаҳридаги шифохонада муолажа олиш борасида давлат аҳамиятига эга бўлган барча фармон ва фармойишларга имзо чеқди. Президент Бокуга қайтиб келгач эса, ватандошлари билан самимий кўришди. Шу тариқа «Янги Озарбайжон» партиясининг раҳнамоси ўзининг ҳали кучқувватга тўла эканлигини намойиш этмоқда.

ИСТЕЪФО МАЪҚУЛ КЎРИЛДИ

Газетамизнинг ўтган сонларида Фаластин мухторияти бош вазири Маҳмуд Аббоснинг Фаластин қонуншунослик кенгаши мажлисида сўзга чиқиши ва қатор масалалар бўйича ўз ваколатларини кенгайтириш юзасида муножот қилиши, акс ҳолда истеъфога чиқажаклиги хусусида ёзган эдик. Шундай ҳам бўлди. У кенгашдаги нутқида «Мухторият раҳбари Ёсир Арофат менинг барча саяёҳаракатларимни чиппака чиқарди» деганидан сўнг у дарҳол истеъфо берганлигини эълон қилди. Ёсир Арофат истеъфони маъқул топди.

Фаластин оммавий ахборот воситаларининг таъкидлашича, М. Аббоснинг хатти-ҳаракати унча катта шов-шувга сабаб бўлмади. Тарғибот вазири Набил Амрнинг гапларига қараганда, М. Аббос каттиқ хафа бўлганидан сўнг шундай йўл тутган эмиш.

Парламент раиси Аҳмад Курайи М. Аббос ўрнига бош вазир этиб тайинланди. Фаластин бирлашган ташкилоти Ижроия қўмитаси Ё. Арофат номзодини тасдиқлади.

САЛОМАТЛИК ДЕНГИЗ ИЧИДА

Олти ёшли касалманд ўглини даволаш мақсадида италиялик Ники Франческо сузувчи уй қуришни мўлжаллади. 26 метр узунликдаги бу кема Сицилия қирғоқларидан унчалик узоқ бўлмаган ерда туради, соҳилга эса фақат ёқилғи ҳамда озиқ-овқат жамлаш учунгина келиб кетилади. Гап шундаки, Н. Франческо диққинафаслик (астма)нинг галати бир тури билан оғриган боласи атрофида парвона. Денгиз сафаридан кейин болада ижобий ўзгаришларни кўрган ота-она гоёт хурсанд бўла бошладилар. Лекин, бошқа томондан ногироннинг билим олиши муаммо бўлиб қолди. Ота-она фарзандларига таълим беришда тасвирли сайёравий алоқадан фойдаланишни кўзлашмоқда.



Миср. Афсонавий Сфинкс.

Шарҳловчи минбари

АРГЕНТИНА ҚАРЗЛАРНИ ТЎЛАЙ ОЛМАЯПТИ

Аргентинада иқтисодий тушкунлик ҳамон давом этаётир. Мамлакатнинг ташқи қарзлари кўпайиб бормоқда. Ўтган сешанба кўни Аргентина Халқаро валюта жамғармасига (ХВЖ) уч миллиард АҚШ долларига тенг навбатдаги қарзини ҳам тўлай олмаслигини маълум қилди.

Буюк Британиянинг Reuters ахборот маҳкамасидан олинган хабарларга қараганда, Аргентина ҳукумати ўзининг мазкур қарорини мамлакат марказий банки заҳираларидан тавақал қилиб фойдалана олмаслиги билан изоҳламоқда. Шу боис ХВЖ билан келишувга хилоф бўлса-да, ҳукумат ҳозирча қарзларни белгиланган вақтда тўлашни кечиктириб турибди.

Аргентинанинг биргина ХВЖдан олган қарзлари фоизининг ўзи ўн икки ярим миллиард АҚШ долларини ташкил этар экан. Шунингдек, мамлакатнинг бошқа кредиторлар олдида яна тўқсон миллиард долларлик қарзи бор. Аргентина ҳукумати вакиллари мазкур қарзлар масаласида ХВЖ ва бошқа кредиторлар билан келишишга ҳаракат қилишини маълум қилди.

ХВЖ эса Аргентина ҳукуматидан мамлакатнинг иқтисодий инқироз натижасида зарар кўрган банкларига молиявий ёрдам бериш ҳамда коммунал хизмат нархларини оширишни талаб қилган эди. Ҳозирги шароитда бундай усул тўғри келмаслиги боис Нестор Кирхнер маъмурияти мазкур талабни инкор қилди.

Мутахассисларнинг фикрича, вазият шу зайдда давом этса, ХВЖ Аргентинага нисбатан жазо чораларини қўллаши ҳам мумкин. Бироқ бунинг акси ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки АҚШ ХВЖдан мазкур масалага бирмунча илиқроқ ёндашишни сўраган.

Маълумки, Аргентинада иқтисодий инқироз 2001 йилда мамлакат бюджетни тақчиллиги оқибатида вужудга келган эди. Бир неча йил илгари эса мазкур давлат иқтисодий тараққиёт жиҳатидан Лотин Америкаси мамлакатлари сафида учинчи ўринни эгаллаб турганди. 2001 йил инқирози Аргентина миллий валютаси қадрсизланиши, банкларнинг ёпилиши, қашшоқлик ва тартибсизликлар кўпайишига олиб келди.

Маълумотларга қараганда, ҳозир ўттиз олти миллиондан зиёд аргентиналик қашшоқликда ҳаёт кечирмоқда. Шу боис янги сайланган президент Нестор Кирхнер маъмурияти мамлакатнинг молиявий воситаларини, энг аввало, ижтимоий химояга йўналтираётир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, президент Н.Кирхнернинг ҳокимият тепасига келиши билан иқтисодиётдаги ўсишнинг пасайиши тўхтаган ва мамлакатда вазият бирмунча барқарорлашган.

Reuters ахборот маҳкамаси берган маълумотларга кўра, навбатдаги уч миллиард долларлик қарзни тўлай олмаслик Аргентинани Либерия, Судан ва Зимбабве каби қолақ мамлакатлар билан бир қаторга тушириб қўйиши мумкин. Мазкур муаммо юзасидан ҳозир ХВЖ раҳбариятининг якуний фикри қутилаётир.

Нодирбек ЎЛЖАБОВЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Турфа олам

КЎЛИ ГУЛ УСТА

Янгизеландиялик кўли гул уста ўз гаражида интернетда қилинган буюртмалар кўмагида қанотли ракета бунёд этмоқчи. Ишга оид бўлган барча маълумотларни эса у ўзининг веб-сайтига киритиб боради.

Бу лойиҳанинг умумий нархи 1750 фунт стерлинг бўларкан, холос. Аммо, Брюс Симпсоннинг фикрича, унинг қурилмаси снарядга эга бўлса ҳам, агар у отишни лозим топса, Янгизеландия ҳаво кучлари уни тўхтатолмас экан.

Лекин, Симпсоннинг мақсади у қадар ёвуз ҳам эмас. Шунчаки, у ҳарбийларга, раҳбариятга уй шароитида оммавий қирғин қуроллари, қўлбола ракеталар яшаш унчалик қийин эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи. «Мақсадим жиноятчиларни қўллаш эмас, балки, мамлакат ичидан бўлиши мумкин бўлган ҳужумга тайёр туриш кераклигини ўқитишдир», — деди у. Полициячилар ушбу ҳолатни шарҳламасликни лозим топиди.



ХУРРАККА ҚАРШИ УСКУНА

Америка олимлари кишини хуррак отишдан қайтарувчи ускуна ишлаб чиқишди. Унинг иш усули у қадар мураккаб эмас, шунчаки биодатчик хуррак овозига мослаштирилган. Агар сиз билмай хуриллаган овоз чиқарсангиз, кўлингизни камчастотали ток уради. Синовларнинг фикрича, ток оғриқли эмас, шунчаки чумоли чаққандек бўлади. Шунингдек, ток кучини тўғрилаб туриш мумкин. Хуррак бошлангач, ускуна 5 сониялик импульс жўнатади. Агар у кор қилмаса, кейинги зарба давомийроқ бўлади, яъни 20 сония. Бу ускунани ишлаб чиқарган компания ходимларининг айтишича, у одамларни кўпи билан икки ҳафтадан бир ойгача бўлган ораликда ёмон одатдан халос қилар экан.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

УМРИ ҚИСҚА ВАЛЮТА

Колумбияликлар пулни бошқа, ўз хизмат доирасидан ташқарида қўллашни ёқтиришади: масалан, ундан варраклар ясашади ёки 10 песо (қарийб 3,5 доллар)га севги изҳорини ёзиб, ҳаво оқимига қўйиб юборишади. Балки, у бирон кун келиб, ўз севгилисининг қўлига тушиб қолар.

Бу каби масъулиятсизлик, пулга нисбатан беҳурмат муносабатда бўлиш натижасида Колумбия марказий банки кунига 1 тонна, умумий миқдори 4 миллиард песо (қарийб 1 миллион доллар) бўлган пул қоғозларини йўқ қилишга мажбур.

Дунёдаги барча банклар муомалага нолойиқ юзлик банкротларни йўқотиб, уни янгилари билан алмаштиришлари мажбурият ҳисобланади. Лекин, пулларнинг энг кам умр кўриши бўйича Колумбиянинг олдига тушадигани йўқ. Бироқ, бу муаммо ҳеч кимни хавотирлантормаётир. Ахир, бу билан унинг обрўйига путур етиб, зигирча ҳам баҳоси тушаётгани йўқ.



Турфа олам

ТЕРМА ЖАМОА ПАРИЖДАН ҚАЙТДИ...

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари журналистлар билан учрашди. Унда шу йилнинг 23-31 август кунлари Франция пойтахти Парижда ўтказилган енгил атлетика бўйича IX жаҳон чемпионатида ҳамюртларимизнинг иштироки натижалари ҳақида гап борди.

Дунёнинг 110 давлатидан спортчи иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини саккиз спортчи ҳимоя қилди. Таъкидланганидек, мусобақада спортчиларимиз совринли ўринларни эгаллашди.

Ангренлик Виталий Смирнов ўн кураш баҳсларида йигирма нафар спортчи орасида 10-ўринни эгаллаб, олимпиада йўлланмасини қўлга киритди. Тошкентлик Л.Перепелова 100 метрга югу-

риш баҳсида 16-ўринга лойиқ топилди. Яна бир спортчимиз Гўзал Хуббиева эса шу спорт тури бўйича 28-ўриндан жой олди.

С.Войнов найза улоқтириш ва К.Журавлева узунликка сакраш баҳсларида финалга ета олмади. В.Медведевнинг (ярим марафон) ҳам рақиблирига муносиб қаршилик кўрсатишга қурби етмади.

Ушбу маълумотларнинг ўзи спортчиларимизнинг чемпионатга етарлича тайёргарлик кўрмаганидан далолат.

Анжуманда мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, спортчилар учун кулай шарт-шароит яратиш, уларни танлаш ва тарбиялаш ишларини такомиллаштиришга янада жиддийроқ эътибор бериш лозимлиги таъкидланди.

Ў.А.

Шу йилнинг 1-8 сентябрь кунлари Қозоғистон Республикасининг Алматы шаҳрида спортнинг муай-тай тури бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Муай-тай Алматида

Ушбу чемпионатда ер юзидаги 44 мамлакатнинг кучли спортчилари юқори ўринлар учун баҳс олиб боришди.

Ўзбекистон терма жамоаси таркибидаги 18 нафар муай-тайчилар жамоамиз заҳирасига 2 та олтин, 4 та кумуш ва 4 та бронза медалларни тақдим этдилар. Умиджон Файзиев (54 кг), Асилбек Мусаев (57 кг)лар ўз вазн тоифаларида шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллашди.

Эслатиб ўтамиз, 2002 йил Бангкокдаги жаҳон чемпионатида беш нафар спортчимиз иштирок этиб, тўртта медалга эга бўлишганди.

Хурида НАЗАРОВА.



Ўзбек ва корейс усталари асарлари кўргазмаси

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида ўзбек ва корейс мўйқалам усталари асарлари кўргазмаси очилди.

Бу тадбир Корея Республикасининг мамлакатимиздаги маданият кунлари доирасида ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, бу Корея маданияти кунлари 1998 йилдан бери ўтказиб келинмоқда ва бу гал олтинчи бор ташкил этилди.

Кўргазманинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали Қўзиёев, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва Мухтор элчиси Ким Сонг Хван ўтган даврда икки республика ўртасида сиёсат, иқтисод, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик муносабатлари янада ривожланаётганини таъкидлашди.

Ўзбекистонда Корея маданияти кунлари республикамизнинг маданий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлиб, икки мамлакат санъатидаги илғор ўзгаришларни яққол намойиш этади. Ўзбек ва корейс рассомлари томонидан ўтказиладиган ҳар йилги бадий кўргазмалар ва санъат соҳасидаги бошқа тадбирлар айниқса юқори баҳоланади.

Ў.А.

Турмуш чорраҳаларида

Уч кундирки, унинг дили вайрон, кўнгил қасрига боласи тенги калтафаҳм қайсинглиси томонидан тош отилган. Шу ҳовлида йигирма йилдан зиёд яшаб, бирорта кўшниси билан санманга бормаган эди. Маҳалла-кўй, қишлоқда оғир-вазминлиги билан эътибор топган бу аёл келиб-келиб кизи тенги Дилнозадан панд еб ўтирибди.

— Вой, эгачи, Гулоромни эри ҳайдаб юбориб, ёмон кипти. Аёл киши сал оғир бўлиб, гап қайтармаса...

Кўшни аёлнинг гапи Гулруҳга оғир ботди. Де-

Дилноза эндигина атак-чечак қила бошлаган қизалоқ эди. Янгаси уни ўз боласидай оқ ювиб, оқ тараган. Мана оқибати.

Уни турмушга узатиб ҳам Гулруҳ тинчимади. Тўнгич кизи Гулоромнинг бахти чопмади. Боякиш қиз қўлида боласи билан отасиникига қайтиб келди. Онаизор куйди-пишди, аммо қўлидан ҳеч бир иш келмади.

Дилноза пешқадамлардан бўлиб бахти чопмаган жиянига таъна қилиб улгурди. Олдида оғиз очолмаса-да, орқаворотдан «оиламизга иснод келтирди» дея неча бор яниб ўтди. Ёмонини яшириш ўрнига, сўраганларга ошириб айтаверди. Эшитиб, ҳатто, аканинг ҳам дили хуфтон бўлди.

Шусиз ҳам гамбода дилни оғритган «амма»нинг эри Соли ҳеч қанча вақт ўтмай хоризга ишга жўнаб кетди.

Ораддан ой ўтмай, «Соли уйланибди» деган миш-миш етиб келди.

БЕХУДА ТАЪНА

мак, эшитибди. Лекин мусичадай беозор қизи гап қайтариш тугул ёмон қарашни эплолмайди-ку.

— Дилноза «булар акамнинг шўри» деб оҳ-воҳ қилаётувди.

Менам Гулором тарбияли қиз дедим, айланай. Ўзи у қайсинглингиз «деди-деди»чирок...

«Эҳ-ҳа, гап буёқда экан-да...» Янгага қайсинглисининг «артист»лиги аён. Уни кўрса ундай, буни кўрса бундай, деб қийшанглайди. Узини беозор, хўрланган кўрсатиб, атрофдагиларнинг ишончини қозонади-да, кейин ўз иззатига туфурди. Бировнинг сирини бошқага, ўзганинг дардини бировга дастурхон қилиб тўшайди. Энг даҳшатлиси «ўзига айтманг», деб кўяди. Унинг ғийбатларига ишонган айрим лақмалар «гапирган» билан жиққамушт бўлиб, бошини чангаллаганча қолаверади.

Ҳа, энди эри Соли миржиқ билан ҳам сира мураси келишмайди. Ҳатто, неча марта талоқ қўйишгача бориб етгани ўзининг ёдидан кўтарилдимикин? Шуниям эл-улусдан яшириб, яхшисини оширган шўрлик янга келиб-келиб дилбанди ҳақидаги ёмон гапни ўзи опичлаб улғайтирган қайсинглисидан эшитса-я?!

Гулруҳ бу хонадонга келин бўлиб тушганда

Дилноза эли-хушли жиян «сен беҳуда таъна қилиб, тавба қилмадинг» деб айтишдан аранг ўзини тийди. Дилноза эса ҳамон телбаларча устунга бошини урар, шаллақилик қилиб, эрини қарғарди.

Нузора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

Bolalik bog'i

SO'Z O'YINI

*Kalla, aql o'yini
Charxlasin deb fikr-o'ini.
Bolajonlarga tuzdim
Bir dasta so'z o'yini.*

MASLAHAT

*Yangi bola menga tanish,
Aqling bo'lsa sen ham tanish.
U a'lochi, qiynalmasdan
Bitar shundan jon va tan, ish.*

KIM ZO'R

*Chiranma, dedi Botir,
Agar sen bo'lsang botir.
Ana, qaynagan suvga
Qo'lingni bitta botir.*

INSOFGA CHAQIRISH

*Anhorda oqyapti tut,
Yarmisini mayli, tut.
Pastki ko'prikda esa
Bizam bormiz, yodda tut!*

YOLG'IZLIKDA

*To'lishdi-yu yarim oy
Ko'rinmadi yarim oy.
Yana chiqdi, yarimta,
Yolg'iz, kongli yarim-oy...*

AYRILIQ

*Kuchukchamiz yosh edi,
Bor-yo'g'i bir yosh edi.
O'lib qoldi, jim bo'ldik,
Ko'zlar jiqqa yosh edi.*

Ne'mat DUSHAEV.



Кунгабоқар кимга боқар.
Даврон АХМАД сурат-лавҳаси.

**Кулганга
НИМА
ЕТСИН!**

Цирк директорига кўнғироқ қилишди:
— Сизга гапирувчи от керакми?
— Ҳазилни бас қилинг, — директор гўшакни жойига қўйди.

Телефон яна жириглади.
— Хўш, ўртоқ директор, сизга гапирадиган от керакми, йўқми?
— Айтдим-ку сизга, бўлмагур гаплар билан бошимни қотирманг!
Телефон яна жириглади:
— Ўртоқ директор, гўшакни қўймай туринг. Бу қанақаси? Туёқ билан рақамларни териш осон деб ўйлаяпсизми?

Бир киши газетани варақлаб ўтириб, ўзининг вафоти ҳақидаги таъзияни ўқиб қолди. Асаби бузилиб, ўртоғига кўнғироқ қилди:
— Тавба қилдим... Таъзиямни ўқидингми?
— Ҳа. Ўқиб жуда хафа бўлиб кетдим. Айтгандай, ўзи қаердан кўнғироқ қиляпсан?

Об-ҳаво

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 17-22, кундузи 29-34 даража иссиқ бўлади.

Тоғли ҳудудларда ҳам ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-17, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА	Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ	Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ	Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.	Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.	Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терияди ва саҳифаланди.	● Эълон ва билдирув- лардаги факт ҳамда далил- ларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув- чилар масъулдир.
---	---	--	---	---	--	--